



22 февраля 2020 года

Состав Оргкомитета

Председатель

Каниев Дж. Проректор по науке и инновации

Состав

Исамова Г. Начальник Научного отдела

Саидова З. Начальник отдела Контроля качества образования

Элмуродов Ш. Ведущий специалист отдела Контроля качества образования

Аллакулиев А. Начальник Международного отдела

Исмаилова С. Заведующий кафедрой Экономических дисциплин

Бердикулов М. Руководитель направления "Управление бизнесом"

Исакжанова М. Заведующий кафедрой Туризма

Мейлиев Н. Руководитель направления "Образование туризма"

Арипов А. Начальник отдела связи с общественностью



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ИМЗОНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎРНИ

Юсупова Д.Т.

Доцент, и.ф.н, доцент, ТДИУ.

Рашидов Ж.Х.

Доцент, и.ф.н, доцент, ТДИУ.

Бугунги шароитдасаноат корхоналарида кооперацион алоқаларни ривожлантиришда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”[1].

Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, информацион тизимлар комплексларини ва “Электрон ҳукумат” ахборот базасини шакллантиришимиз керак. Албатта, саноат корхоналарида электрон ҳужжат алмашинуви, электрон тижорат, электрон ҳарид каби жараёнларнинг жорий этилиши бежиз эмас. Айниқса, автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобига босқичма-босқич

ўтилиши айни муддаодир. Бундан 15 йил олдин барча ҳужжатлар ва тўловлар қоғозда ва қўлёзма тарзда бўлган бўлса ҳозирда ҳужжатларнинг 80 фоизи, тўловларнинг эса 90 фоизи электрон тарзда қоғоз шакллари-сиз амалга оширилмоқда. Бу жараёнларнинг ривожланиши ва такомиллашишида электрон рақамли имзо муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарув жараёнида ўз электрон имзоларидан фойдаланган ҳолда, корпоратив алоқаларни ўрнатишда қуйидаги хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

- Давлат солиқ қўмитасига солиқ ҳисоботлари юбориш;
- Давлат статистика қўмитасига статистика ҳисоботларини юбориш;
- Молия вазирилиги Ҳазначилигига молиявий ҳисоботлар ва тўлов топшириқномаларини юбориш;
- Ягона интерактив давлат хизматлар портали орқали барча вазирлик, қўмита ва идораларга мурожаатларини юбориш;
- Халқ банкига ходимлар 1 фоизли пенсия жамғармаси ажратмалари ҳисоботини юбориш.

Ёпиқ калит ва сертификат битта файл ичида жойлашган ва ушбу калит қўшимча ҳимоя паролига эга. Яъни ЭРИ файли ичидаги сертификатни кўриш учун ҳам ҳимоя паролини билиш талаб этилади. Шунингдек, *.pdf форматининг афзаллик ва устунлик тарафлари Adobe Acrobat X или Adobe Reader дастурлари орқали ҳужжатларга бириктириш ва ҳимоялаш мумкин.

Электрон рақамли имзога эга бўлгандан сўнг кейинчалик ушбу ЭРИни бекор қилиш, тўхтатиш, янгилаш ёки муддатини узайтиришга эҳтиёж сезилганда, e-imzo веб-саҳифаси орқали ЭРИдан фойдаланиб шахсий кабинетга кириб ушбу хизматлардан фойланиш имконияти яратилган.





Ушбу яратилган имкониятлар электрон рақамли имзога эга бўлиш, бекор қилиш, тўхтатиш, янгилаш ёки муддатини узайтиришга каби хизматларни бир куннинг ичида бажариш имкониятини беради.

Электрон рақамли имзога эга бўлдиқ, энди ҳисоботларни юбориш вақти келди. Давлат солиқ қўмитасининг солиқ ҳисоботларни топшириш учун my.soliq.uz веб-саҳифаси орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда шахсий кабинетга кирилади. Ушбу сайт орқали ҳисоботларни юборишдан ташқари 36 хил интерактив хизматлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, юридик шахслар ишлаётган ишчи-ҳодимларининг ер ва мол-мулк солиғидан қарздорликларини ҳам назорат қилиши мумкин. Ушбу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 10 июндаги 2016-21-сон қарори билан тасдиқланган "Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишнинг тартиби тўғрисида"ги низомга асосан тартибга солинади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан олинган электрон рақамли имзодан фойдаланаётган юридик шахслар 112,8 мингдан ортиқ ва жисмоний шахслар эса 622,8 мингдан ортиқни ташкил этади. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилана фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган топшириқларнинг ижроси сифатида кўришимиз мумкин.

Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларини юбориш учун eStat 2.0 дастурини stat.uz веб-саҳифасидан кўчириб олиб ўрнатишимиз талаб этилади. eStat 2.0 дастурига Давлат солиқ қўмитаси томонидан олинган электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтиб ишлатилади.

2017 йилдан бошлаб барча бюджет ташкилотлари, шу жумладан бюджетдан молиялаштирилувчи олий таълим муассасалари ҳам барча тўлов топшириқномалари, ғазна мемориал ордерлари ва молиявий ҳисоботларни олдингидек 3 нусхада қоғоз шаклида чиқармай электрон шаклда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган шаклда интернет тармоғи орқали юбора-

дилар. Натижада, ҳисобчининг ғазначилик бошқармаси олиб бориш вақти ва транспорт ҳаражатлари камаймоқда, шунингдек қоғоз сарфи ҳам қисқармоқда. Шунингдек, ушбу тизимнинг яна бир жиҳати давлат органлари ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги шахсий алоқадорликни ва шахсий манфаатдорликни камайишига ёки умунан йўқ бўлишига олиб келади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ижроси таъминлашини кафолатлайди. Бундан ташқари, олдинги тартибда тўлов топшириқномалар бир кун олдин топширилган бўлса, ҳозирда ўша куннинг ўзида юборилмоқда, натижада тўлов жараёнининг жадал суръатларда амалга оширилишини таъминламоқда.

Бунда «UzASBO» дастурий мажмуага уланган буюртмачилар буюртмани қоғоз шаклда расмийлаштирганидан сўнг уларни «UzASBO» ДМга киритади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон шаклини юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон буюртмаларнинг қоғоз кўринишдаги асли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади. Буюртмаларнинг қоғоз ва электрон шаклда расмийлаштирилиши, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ўзаро мувофиқлиги ва аслининг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси сифатида Ягона интерактив давлат хизматлари портали яратилди ва 2013 йил 1 июлда интернет тармоғида ишга туширилди. Ушбу ахборот ресурсининг мақсади юридик ва жисмоний шахслар учун давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича кенг имкониятларни яратиб бериш ҳамда "Бир дарча" тамойили асосида давлат хизматларини тақдим этишдан иборат.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали хизматларни интернет тармоғи орқали тақдим этишни ўзида мужассамлаштиради, яъни, фойдаланувчи республиканинг





исталган нуқтасидан ва исталган вақтда, танлаган интерактив хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Бугунги кунда 300 дан ортиқ давлат муассасалари ва ташкилотлари Ягона порталга уланган ва портал орқали 160 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Ягона портал ёрдамида бир томонлама ва икки томонлама турдаги интерактив давлат хизматлари ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган транзакцион турдаги хизматларни олиш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда Ягона портал қўйидаги имкониятларни тақдим этади:

- давлат органлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматларини олиш учун лозим бўлган мурожаат ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда тўлдириш;
- давлат хизматларини кўрсатиш учун мурожаат йўллаш;
- давлат хизматларини кўрсатиш учун йўлланган мурожаатни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматлари натижаларини олиш;
- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳ.к.

Ариза берувчиларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш даражаси бўйича электрон давлат хизматлари қуйидагиларга бўлинади:

- паст - шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қилмайдиган хизматлар;
- ўрта - ҳақиқий шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қиладиган хизматлар;
- юқори - уларни кўрсатиш учун сўровлар электрон рақамли имзодан фойдаланиб юбориладиган хизматлар.

Ягона портал ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали юбориладиган ариза берувчиларнинг электрон шаклдаги сўровларини кўриб чиқиш сўровлари

ариза берувчи ёки унинг вакилининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги юқори даражада ривожланган бутун дунё цивилизациясида ҳужжатлар, кооперацион алоқа ҳужжатлари, жумладан махфий ҳужжатларнинг ҳам, электрон кўринишда ишлатилиши ва алоқа тизимларида узатилиши кенг қўлланилмоқда. Бунга асосий сабаб:

- электрон ҳужжатларларни тармоқ орқали алмашиш тез суръатларда амалга оширилади, уларни қабул қилиш ва сақлаш ҳаражатлари камаяди, қидириш тезлашади;

- электрон ҳужжатларни аутентификациялашдан мақсад уларни мумкин бўлган жинояткорона ҳаракатлардан ҳимоялашдир;

- электрон рақамли имзо ахборот-коммуникация тармоғида алмашинадиган ҳужжатли маълумотлар ва уларнинг манбаларини ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқлаш масаласини, яъни маълумотлар аутентификацияси масаласининг ечимини таъминловчи криптографик восита ҳисобланади;

- электрон рақамли имзо имзо чекилувчи ҳужжат ва махфий калит орқали аниқланувчи ноёб сондир. Имзо чекилувчи ҳужжат сифатида ҳар қандай файл ишлатилиши мумкин. Имзо чекилган файл имзо чекилмаганига бир ёки бир нечта электрон имзо қўшилиши орқали яратилади;

- бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, инфорацион тизимлар комплексларини ва "Электрон ҳукумат" ахборот базасини шакллантиришимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январ.
2. Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя: Ёрдамчи ўқув қўлланма. - Т.: Мовароуннаҳр, 2016.
3. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. Т.: Иқтисодиёт, 2017. – 126 б.

